

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



**Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори в.в.б.
Омонов Қ.Ш**

2024 й.

ЛОЙИХА

**“ЖАДИДЛАР ҲАРАКАТИ ГЛОБАЛ КОНТЕКСТДА
(ЕВРОПА, ТУРКИЯ, АҚШ, ЭРОН, ЯПОНИЯДА ЎРГАНИЛИШИ)”
ПЛАТФОРМАСИ**

Фан йўналиши: филология

Лойиҳа тури: амалий

Лойиҳа раҳбари: ф.ф.д., доц. Турдиева Ойдин Зафардиновна

Лойиҳа бажарилаётган ташкилот юридик манзили: 100060, Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси 20

Лойиҳа раҳбарининг рўйхатда турган манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо
Улугбек тумани Авайхон кўчаси, 98/2-уй, 42-хонадон +998977639941

Лойиҳа раҳбарининг СТИРи (ИНН рақами): 501 398 431


Лойиҳанинг умумий молиявий ҳажми: 1 400 000 000 сўм

Бир йиллик молиялаштириш ҳажми: 700 000 000 сўм

Лойиҳанинг бажарилиш муддати: 2 йил, 2024-2026 йиллар

Тошкент-2024

Танлов тури: - тур

Лойиҳа номи: “Жадидлар ҳаракати глобал контекстда (Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари нигоҳида)” платформасини яратиш	Лойиҳа рақами (шифри): AL-9224104773	
	Фан йўналиши: филология, тарих	
Лойиҳа раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи: Турдиева Ойдин Зафардиновна	Лойиҳа раҳбарининг: телефон рақами: +998 97 763 99 41 электрон почта манзили: oydinturdiyeva21@gmail.com СТИР (ИНН) рақами: 501 398 431	
Ижрочи ташкилотнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи: Тошкент давлат шарқшунослик университети – ТДШУ		
Сўралган маблағ ҳажми 1 400 (млн. сўм.)	Лойиҳани амалга ошириш даври (йили):	2 йил
Асосий иштирокчиларнинг фамилияси, исми, шарифи (тўлиқ)	Ирзаев Баҳром	
	Омонов Қудратулла	
	Аҳмедова Дилфуза	
	Алтинбаев Нуриддин	
	Хикматиллаев Жасур	
	Ходжакулов Ёсиф	
	Каландаров Мирзакон	
	Шукурова Ойша	
	Нуриддинбекова Робия	
	<i>(лойиҳа раҳбари ушбу жадвалда кўрсатилмайди)</i>	
Аризани тайёрлашда учинчи шахсларнинг ва/ёки ҳуқуқ эгаларининг розилиги билан материалларни вазирликка тақдим этиш ва уларни вазирлик томонидан экспертизасини ўтказиш ва оммалаштириш бўйича муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари бузилмаганлигини кафолатлайман (ариза аннотацияси кўринишида).		
Лойиҳа раҳбарининг имзоси Турдиева Ойдин Зафардиновна	Аризани рўйхатдан ўтказиш санаси	
Ташкилот раҳбарининг в.в.б. Ф.И.Ш: Омонов Қудратилла Шарипович  имзо		

Изоҳ: Лойиҳа матни А4 форматдаги стандарт қозғоғга жойлаштирилиши ва қоида тариқасида 1,15 қатор оралиғида ёзилиши лозим. Ҳар бир бет юқоридан ва пастдан 2 см; чандан 3 см; ўнгдан 1,5 см ҳошияга эга; хатбони 1,27 см га тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Матнни тайёрлашда “Times New Roman” 12 ўлчамли шрифтда “Microsoft Word” матн редакторидан фойдаланиши тавсия қилинади.

Бетлар титуль варагидан бошлаб охириги вараққача изчил кетма-кетликда рақамланади. Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамдан бошлаб ёзилади. Титуль варағига 1 рақами қўйилмайди.

Лойиҳанинг ҳар бир талаб қилинган ҳужжати ва бошқа таркибий қисмлари янги бетдан расмийлаштирилади.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳа ўзбек, рус ва инглиз тилларидан бирида ишлаб чиқилиши мумкин.

1.1. Лойиҳа тўғрисида маълумот

Лойиҳа номи:

ўзбек тилида “Жадидлар ҳаракати глобал контекстда (Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари низоҳида)” платформасини яратиш

рус тилида «создания платформы “Движение джадидов в глобальном контексте” (по исследованиям Мировых востоковедов)».

1.2. Фан йўналиши: филология, тарих

1.3. Калит (таъинч) сўзлар: Жаидчилик, жаидчилик услуби (усули жаидия), тарихий тадқиқотлар, манбалар, архив маълумотлари, ташки сиёсат ва халқаро муносабатлар тарихида жаидлар, жаидларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўрни ва роли, жаидлар адабиёти ва уларнинг таржимаси.

Лойиҳа аннотацияси (Abstract):

1.4. XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда юзага келган ижтимоий-маърифий ҳаракат бўлиб, минтақанинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Жаидларнинг мақсади – мусулмон Шарқини илм-фан, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида замонавийлаштириш, миллатни уйғотиш эди. Марказий Осиё минтақаси геосиёсий муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, жаидчилик ҳаракати минтақанинг тарихи ва маданиятига бўлган қизиқишни кучайтирди. Глобаллашув жараёнида турли маданиятлар ва тарихий жараёнлар ўртасидаги алоқалар кучайди ва бу жаидчилик ҳақидаги тадқиқотларнинг халқаро миқёсда олиб борилишига имкон берди. Ушбу лойиҳа орқали жаидчиликнинг минтақамиз тарихи ва маданиятида тутган ўрни, жаидлар маънавий меросини замонавий жамият учун аҳамиятли бўлган қадриятлар манбаи сифатида қарашга оид тизимли маълумотлар базаси шаклланади. Жаидчилик ҳаракатини нафакат Марказий Осиё миқёсида, балки XIX-XX асрлар бошидаги глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар доирасида ўрганиш ўзбек маданияти ва миллатининг сақланиб қолишини таъминлаш, давлатнинг қайси соҳалари яхши йўлга қўйилган ва қайси соҳалари ҳимояга муҳтож, давлат ва жамият, шахс ва оила мустаҳкамлиги, ватандошларнинг фаоллигини шакллантириш каби масалаларга мақбул ечимлар топиши муҳимдир.

1.5. Қўтилаётган натижалар ва уларнинг аҳамияти (қўтилган натижалар ва уларнинг илмий ва ижтимоий аҳамиятга эгаллиги, режалаштирилган натижаларнинг жаҳон миқёсидаги тадқиқот натижаларига мувофиқлиги, лойиҳада режалаштирилган натижаларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалиётга татбиқ этиши имкониятлари):

Илмий: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 майдаги ПҚ-201-сон қарори билан тасдиқланган «Жаидлар меросини давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида Маърифатпарвар жаидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги фидойиликларини, ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-иждоий меросини чуқур ўрганиш ва фаол тарғиб этишга оид вазифалар белгиланган. 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жаидлик ҳаракатига оид мамлакатимиз ва хориждаги турли манбалар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш, тўплаш, сақлаш, ўрганиш, тиклаш, нусхалаш, эълон қилиш, улар асосида Музей фондини бойитиб бориш ва экспозицияларни яратиш, шунингдек, маданий-маърифий ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш; маърифатпарвар жаидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги хиссаси ва фидойиликларини ҳаққоний ёритиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур лойиҳа иши муайян даражада хизмат қилади.

Жадидлар Германиянинг Берлин, Россиянинг Перетбург, Қозон, Уфа, Оренбург, шунингдек Истанбул, Қоҳира шаҳарларида таълим олган. Ўша давр ижтимоий, маданий, илмий ва сиёсий ҳолат жадидчиликни глобал контекстда тўғри таҳлил қилиш учун имкониятларни очади. Шу билан бирга, Европа ва АҚШда, Эрон, Туркия, Миср, Япония каби Шарқ мамлакатларида жадидлар фаолиятини ўрганиш долзарблик касб этмоқда, АҚШ ва Европада олиб борилган таҳлиллар нисбатан ўрганилган бўлса, шарқда олиб борилган тадқиқотлари ўзбек илмий жамоатчилиги учун ўзбек тилида етарлича эълон қилинмаган.

Глобаллашув шароитида жадидчилик каби маҳаллий тарихий жараёнларни ўрганиш турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги муносабатларни яхшироқ тушуниш имконини беради.

Технологик: Лойиҳа натижаси фақат матн кўринишида бўлмасдан, ўзида визуал контентни камраб олган *online* ва *offline* ишлаш имкониятига эга алоҳида ресурс бўлиши, бу орқали кенгрок доирадаги аудиторияни ўзига жалб қилишда аҳамиятлидир. Олий таълимда замонавий электроника воситаларининг тобора оммалаши бориши, талабаларнинг масофадан туриб билим олишга кўпроқ рағбат билдириши, шунингдек, олий таълим муассасаларининг ҳам таълимнинг турли кўринишларини ташкил этаётганини эътиборга олган ҳолда электрон дарсликлар таълим сифатини янада оширишда катта рол ўйнайди. Бу ўринда сифатли контентларга талаб ҳар доимгидан ҳам кўпайиб бормоқда. Буни таъминлаш учун эса, лойиҳа ниҳоясига етказилиб, жамоатчиликка тақдим этилганидан сўнг, рақамли ресурснинг вақтинчалик бўлмасдан, доимий янгилиниб бориши учун лойиҳа аъзолари томонидан йилда икки марта йиғилувчи *эксперт ишчи гуруҳи* ташкил қилинади.

Ижтимоий-иқтисодий: Ресурснинг визуал контенти таркибини шакллантиришда нафақат замонавий Ўзбекистондаги, балки хориждаги тадқиқотларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда, бошқа Шарқ давлатларида мавжуд матн, фото, видео, аудиоматериаллардан ҳам фойдаланилади. Лойиҳа юқори ижтимоий аҳамиятга, самарадорликка эга.

Тижоратлаштириш истикболлари: Республикада тобора барчанинг диққат марказидан жой олаётган жадидлар мероси ва улар билан боғлиқ тадқиқотлари борасида илмий-тадқиқотлар учун фундаментал манба бўлиши режалаштирилган ушбу лойиҳа миқёси ва ҳажми жиҳатидан салмоқли бўлиб, унинг электрон кўринишда бўлиши турли (пулли ва бепул) платформаларга осон жойланиши ҳамда платформада ўзбек ва оригинал тилларида берилиши, кўзда тутилган таҳлиллар туфайли Жаҳон тарихи, адабиёти, маданияти, Шарқ халқлари тарихи, Шарқшунослик, Ижтимоий антропология, Социология ва бошқа ёндош соҳаларда тадқиқот олиб боровчилар диққатини тортади. Платформада камраб олинган давлатлар экспертлари билан доимий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда, жадидлар мероси ва улар билан боғлиқ алоҳида илмий доира ташкил этилишига эришилади.

Интеллектуал мулк яратишни ва уни химоя қоралари бўйича: Ўзбекистондаги олий ўқув юрлари талабалари учун дарс фаолияти давомида фойдаланишга мўлжалланган маълумотлар базаси яратилади. Электрон дарслик таркибини шакллантирган маълумотлар ва визуал материаллар амалий лойиҳанинг натижаси ҳисобланади ва муаллифлик ҳукуқи асосида химояланади.

1.6. Ижрочи ташкилот ва лойиҳа иштирокчиларининг лойиҳани бажаришдаги имконияти ва устунлиги: Таклиф этилаётган лойиҳанинг Тошкент Давлат шарқшунослик университети, Шарқшунослик университетининг Туркиядаги ҳамкорлари Истанбул, Мармара, Карабук университетлари, Япониянинг Цукуба университети, Эроннинг Техрон университети мутахассислари, кутубхона фондлари ёрдамида амалга оширилади. “Марказий Осиё халқлари тарихи”, “Шарқ халқлари тарихи ва антропологияси”, “Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати” кафедраси профессор ўқитувчилари ва бошқа мутахассислардан тузилган ишчи гуруҳ томонидан бажарилиши бир қатор устунликларга эга:

1. Лойиҳа иштирокчилари етарли илмий салоҳиятга эга

Қ.Ш.ОМОНОВ

Лойиҳа раҳбари ҳақида маълумот

2.1. Фамилияси, исми, шарифи Турдиева Ойдин Зафардиновна

WoS Researcher ID (мавжуд бўлса) IAH-4636-2023

Scopus Author ID (мавжуд бўлса) _____

Лойиҳа раҳбарининг Хирш индекси:	
Scopus базасида (агар мавжуд бўлса)	
Web of Science базасида (агар мавжуд бўлса)	
Google scholar базасида (агар мавжуд бўлса)	

2.2. Тугилган санаси (сана, ой, йил) 21.10.1985

2.3. Фуқаролиги Ўзбекистон

2.4. Илмий даражаси, берилган йили _филология фанлари доктори, 2016 йил 14 июлда берилган.

2.5. Илмий унвони, берилган йили _доцент, 2021 йил 31 декабрда берилган.

2.6. Ариза берилаётган вақтдаги асосий иш жойи (ташкilotнинг тўлиқ номи, лавозими) Тошкент давлат шарқшунослик университети, Эроншунослик ва афғоншунослик олий мактаби доценти

2.7. Лойиҳа раҳбари томонидан охириги уч йилда чоп этилган нашр ишлари сони 14 та. Шундан 1 таси Scopus маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган.

2.8. Лойиҳа раҳбарининг ижрочи ташкилот илмий котиби томонидан тасдиқланган илмий-ишлар рўйхати (лойиҳага илова қилинади).

2.9. Лойиҳа раҳбарининг сўнгги уч йил давомида эришган асосий илмий натижалари (муҳим илмий натижалари, нашр ишлари, патентлар, гувоҳномалар ва ҳоказолар). 2022 йилда "Ҳозирги замон форс адабиёти (XX аср охири XI аср)" номли дарслик, 2023 йилда "Адабиётшунослик терминларининг форсча-ўзбекча изоҳли лугати" ва шу номли дастур учун DGU 31747-рақамли гувоҳнома.

2.10. Илмий лойиҳаларни бошқариш ва уни амалга ошириш бўйича тажрибаси (натижадорликка эришни бўйича лойиҳа раҳбарининг ёндашувлари, сўнгги 3 йил мобайнида бажарилган лойиҳалар (ташкilot) номи, рақамлари ва муддати, амалга оширишда эришилган муваффақиятлар) – (ҳақиқатда 1000 та сўз). Тошкент давлат шарқшунослик университети ички лойиҳасида аъзо сифатида иштирок этган, белгиланган вазибаларни ўз муддатида бажариб, форсча адабиётшунослик терминлар лугатини тузган ва нашр килдирган.

2.11. Молиялаштириш амалга ошириладиган ижрочи ташкилот билан кутилаётган меҳнат муносабати шакли:

ташкilot асосий иш жойи бўлади;

бир вақтнинг ўзида ўриндошлик асосида меҳнатшартномаси тузилади.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари (серияси, номери, қачон ва ким томонидан берилгани)	AD2455967 31.01.2023
Яшаш манзили	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Авайхон кўчаси, 98/2-уй

СТИР (ИНН) рақами	501 398 431
Боғланиш учун телефон, электрон манзил(e-mail)	+998977639941 oydinturdiyeva21@gmail.com
Ушбу шаклга киритилган маълумотларни қайта ишлашларига розилигимни билдираман. Маълумотларни вазирлик томонидан қайта ишлаш, йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, тарқатиш, аризаларни экспертиза учун топшириш, лойиҳалар ва дастурларни экспертизадан ўтказиш, танлов бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш, молиялаштирилган дастур ва лойиҳалар раҳбарлари тўғрисида маълумотлар Буюртмачи томонидан ошкор қилинишимумкин.	

Танлов шартлари билан танишдим ва розиман. Лойиҳада иштирок этишимни тасдиқлайман _____


Лойиҳа раҳбари






О.З.Турдиева

19.09.2024

Лойиҳанинг асосий изғорчилари ҳақида маълумот

№	Лойиҳанинг асосий изғорчилари Ф.И.Ш.	Лойиҳадати институтроки (лавозими)	Тутилган йили	Илмий даражаси ва унвони	Ариза берилган вақтдаги асосий иш жойи	Охириги 3 йилда Лойиҳа мавзуси доирасида чоп этган илмий ишлари сони		Лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлари (вазифалари)	Лойиҳа изғорчиси имзоси
						Жами	Web of Science ёки Scopus журналларида		
1.	Турдиева Ойдин Зафардиновна	Лойиҳа раҳбари, бош илмий ходим	21.10.1985	Ф.Ф.д., доц.	ТДШУ	2	1	Лойиҳани координация қилиш, режа тақсимоти, Нисоботлар тайёрлаш. Эрон талқикотчиларининг жадидалар даври Марказий Осёни ўраниш бўйича қилинган талқикотларни йитиш ва таҳлилини амалга ошириш, киёсий талқикотлар қилиш	
2.	Омонов Кудратилла Шарипович	Етакчи илмий ходим	11.12.1972	Ф.Ф.д., проф.	ТДШУ	4	1	Жадидалар меросини талқикот этиш, кўлёзмалари ва архив ҳужжатларини муомиллага киритиш Талабаларни лойиҳага жалб этиш, ОАВларида чиқишлар қилиш.	
3.	Ирзаев Баҳром	Катта илмий ходим	12.11.1970	т.ф.и., б.и.х.	Qatag'on qurbonlari xotirasi davlat muzeyi	4		Жадидалар меросини талқикот этиш, кўлёзмалари ва архив ҳужжатларини муомиллага киритиш, Музейларда мавжуд хорижий талқикотчиларнинг материалларни йитиш ва таҳлилини амалга ошириш	
4.	Ахмедова Дилфуза	Етакчи илмий ходим	02.02.1980	Ф.Ф.д., доц.	ТДШУ	6		Эрон талқикотчиларининг ишларини ўраниш, киёсий талқикотлар қилиш, Жадидалар даври ва Эрон машрутият даври матбуоти киёсий талқикотлар ўтказиш.	

								давридаги Марказий Осиёдаги ижодий фаолиятларни ўрганиш бўйича қилинган тадқиқотларни йиғиш ва таҳлилни амалга ошириш	
6.	Хикматиллаев Жасур	Кичик илмий ходим	2.06.1983	ф.ф.ф.д.	ТДШУ	1		Япония тадқиқотчиларининг жадидлар даврини ўрганиш бўйича қилинган тадқиқотларни йиғиш ва таҳлилни амалга ошириш	
7.	Ходжакулов Ёсиф	Кичик илмий ходим	18.12.1964	Катта ўқитувчи	ТДШУ			Марказий Осиёда нашр қилинган жадидлар даврий матбуот материалларини тадқиқ этиш	
8.	Каландаров Мирзакон	Кичик илмий ходим	30.03.1986	тадқиқотчи	ТДШУ	1		АҚШ ва Европа тадқиқотчиларининг жадидлар даври Марказий Осиёни ўрганиш бўйича қилинган тадқиқотларни йиғиш ва таҳлилни амалга ошириш	
9.	Шукурова Ойша	Кичик илмий ходим	26.10.1994	тадқиқотчи	ТДШУ	3		Туркия ва Марказий Осиёда жадидлар даври адаблари ижодини киёсий ўрганиш	
10.	Нуриддинбекова Робия Фахриддинбек қизи	Старжер тадқиқотчи	10.07.2003	Талаба	ТДШУ			Эрон ва Марказий Осиёда жадидлар даври адаблари ижодини киёсий ўрганиш	
11	Дастурчи	Старжер тадқиқотчи						Платформанинг техник ва технологик жараёнини координация қилади	

Лойиха раҳбари

О.З.Турдиева

Ректор в.в.б.

Қ.Ш.Омонов



Ижрочи ташкилот ҳақида маълумот
(лойиҳа баёжариладиган ва маблағларни ўзлаштирадиган ташкилот)

- 3.1. Тўлиқ номи Тошкент давлат шарқшунослик университети
- 3.2. Қисқартирилган номи ТДШУ
- 3.3. Инглиз тилидаги номи Tashkent State University of Oriental Studies
- 3.4. Ташкилий-ҳуқуқий шакли Олий таълим муассасаси
- 3.5. Мулк шакли давлат
- 3.6. Идоравий мансублиги (юқори турувчи ташкилоти (вазирлик/идора) Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги
- 3.7. СТИР 201992106
- 3.8. Манзили 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 20
- 3.9. Юридик манзили 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 20
- 3.10. Ташкилот раҳбарининг лавозими: Ректор, Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
- 3.11. Мурожаат учун телефонрақами 71-233-45-21 71-233-34-24
- 3.12. Электронпочта манзили(e-mail) sharq-ilmiy@mail.ru

Ташкилот раҳбари қуйидагиларни тасдиқлайди:

- танловшартлари билан танишиб чиқади, лойиҳа танловда ғолиб бўлса, ташкилот орқали унимолиялаштиришга розилик беради;
 - танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга розилигини билдиради;
 - лойиҳа раҳбаритўғрисида аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқлайди;
- Лойиҳа танловда ғолиб бўлган тақдирда ижрочи ташкилот қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
- илмий жамоа аъзолари билан фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат (муддатли меҳнат) шартномаларини тузиш (лойиҳа раҳбари билан меҳнат шартномаси тадқиқотни масофадан туриб бажариш бўйича бўлиши мумкин эмас);
 - лойиҳа раҳбари розилиги билан илмий жамоа аъзоларига лойиҳани амалга ошириш учун ҳақ тўлаш;
 - ҳар йили белгиланган муддатда лойиҳа маблағларининг мақсадли ишлатилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш.

Агар лойиҳада бир нечта **ҳамижрочи ташкилотлар** иштирок этадиган бўлса, ушбу ташкилотлар (ҳамижрочилар) тўғрисидаги маълумотлар ҳам юқорида кўрсатилган тартибда келтирилиши лозим.



Ректор в.в.б.

Қ.Ш.Омонов

Лойиҳани асослаш (мазмун)

4.1. Лойиҳада ҳал этилиши кўзда тутилган илмий муаммо:

Жадидчиликнинг глобал контекстда ўрганилиши: XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда юзага келган ижтимоий-маърифий ҳаракат бўлиб, минтаканинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Жадидларнинг мақсади – мусулмон Шарқини илм-фан, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида замонавийлаштириш, миллатни уйғотиш эди. Марказий Осиё минтақаси геосиёсий муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, жадидчилик ҳаракати минтаканинг тарихи ва маданиятига бўлган қизиқишни кучайтирди. Глобаллашув жараёнида турли маданиятлар ва тарихий жараёнлар ўртасидаги алоқалар кучайди ва бу жадидчилик ҳақидаги тадқиқотларнинг халқаро миқёсда олиб борилишига имкон берди. Ушбу лойиҳа орқали жадидчиликнинг минтақамиз тарихи ва маданиятида тутган ўрни, жадидлар маънавий меросини замонавий жамият учун аҳамиятли бўлган қадриятлар манбаи сифатида қарашга оид тизимли маълумотлар базаси шаклланади. Жадидчилик ҳаракатини нафақат Марказий Осиё миқёсида, балки XIX-XX асрлар бошидаги глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар доирасида ўрганиш ўзбек маданияти ва миллатининг сақланиб қолишини таъминлаш, давлатнинг қайси соҳалари яхши йўлга қўйилган ва қайси соҳалари ҳимояга муҳтож, давлат ва жамият, шахс ва оила мустаҳкамлиги, ватандошларнинг фаоллигини шакллантириш каби масалаларга мақбул ечимлар топиши муҳимдир.

4.2. Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари (1500 та сўздан ошмаслиги лозим, баён этилган илмий муаммони ечиш учун лойиҳа жамоси олдига қўйилган мақсад очиб берилиши, бунда янги илмий шиланма (маҳсулот/технология) олишни таъминлаб берувчи техник, технологик, техник-иқтисодий самара(лар), қўлга киритилиши режалаштирилган муҳим илмий натижалар, янги маҳсулот бозорлари, экспортга йўналтириши ва импорт ўрнини қоплаш, интеллектуал мулк объектларини яратиши асосида товарлар (маҳсулот, хизматлар) бозорида муносиб ўрин эгаллашга оид вазифалар изчил кетма-кетликда асослаб берилиши зарур):

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қараётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар суви билан ҳаводек зарур. Маърифатпарвар аجدодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий. Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 майдаги ПҚ-201-сон қарори билан тасдиқланган «Жадидлар меросини давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида Маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолигимизнинг маънавий асосларини яратишдаги фидойиликларини, ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-иждодий меросини чуқур ўрганиш ва фаол тарғиб этишга оид вазифалар белгиланган. 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жадидлик ҳаракатига оид мамлакатимиз ва хориждаги турли манбалар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш, тўплаш, сақлаш, ўрганиш, тиклаш, нусхалаш, эълон қилиш, улар асосида Музей фондини бойитиб бориш ва экспозицияларни яратиш, шунингдек, маданий-маърифий ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш; маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолигимизнинг маънавий асосларини яратишдаги ҳиссаси ва фидойиликларини ҳаққоний ёритиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда соҳага оид

бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур лойиҳа иш муайян даражада хизмат қилади.

Жадидлар Германиянинг Берлин, Россиянинг Петербург, Қозон, Уфа, Оренбург, шунингдек Истанбул, Қоҳира шаҳарларида таълим олган. Ўша давр ижтимоий, маданий, илмий ва сиёсий ҳолат жадидчиликни глобал контекстда тўғри таҳлил қилиш учун имкониятларни очади. Шу билан бирга, Европа ва АҚШда, Эрон, Туркия, Миср, Япония каби Шарқ мамлакатларида жадидлар фаолиятини ўрганиш долзарблик касб этмоқда, АҚШ ва Европада олиб борилган таҳлиллар нисбатан ўрганилган бўлса, шарқда олиб борилган тадқиқотлари ўзбек илмий жамоатчилиги учун ўзбек тилида етарлича эълон қилинмаган.

Глобаллашув шароитида жадидчилик каби маҳаллий тарихий жараёнларни ўрганиш турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги муносабатларни яхшироқ тушуниш имконини беради.

Жадидчиликнинг модернизация, таълим-тарбия, миллий ўзликни англаш ҳақидаги ғоялари ва мазкур ғояларни хорижий тадқиқотчилар нигоҳидан ўрганиш, илмий жамоатчилик учун янги манба вазифасини ўташи билан бирга бугунги кунда глобаллашаётган ўзбек жамияти учун катта аҳамиятга эга.

Жадидчиликни ўрганиш Марказий Осиё, Туркий давлатлар ташкилоти аъзолари интеграцияси жараёнида замонавий жараёнларнинг тарихий илдизларини чуқурроқ англаш имконини бериб, минтакавий ўзига хосликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан сиёсий аҳамиятга эга.

Жадидчиликни ўрганиш кўпинча Ўрта Осиёнинг айрим давлатларининг миллий тарихлари доирасида олиб борилади, бу эса ҳар доим ҳам ҳаракат тараққиётининг умумий қонуниятларини кўришга имкон бермайди.

Глобал контекстда Жадидлар ҳаракати Шарқ ва Ғарб миқёсида тадқиқотларини ўрганиш ва уларни тарғиб қилишга ихтисослашган платформани яратиш мақсадида бир қатор илмий муаммоларни ҳал қилиш йўлида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Хориждаги Жадидчилик ҳаракати мероси ва унга бағишланган илмий тадқиқот ишлари илмий-тарихий ёндашув асосида ўтганилади, каталоги шакллантирилади;
- Турли шаҳарлардаги жадидчилик билан боғлиқ ташкилот ва муассасалар билан танишиб чиқилади. Бу асосда комплекс маълумотлар базаси шакллантирилади;
- Ўзбекистонда ҳозирги кунда жадидчилик билан боғлиқ масалалар, жадидларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги тутган ўрни ўрганилиб, келгусида шаклланиши кутилаётган истиқболли натижалар тадқиқ этилади;
- Платформада жадидлар мероси ва фаолиятига оид хорижда қилинган тадқиқотлар ўзбек тилида ёритилади ва рақамлаштирилади. Жадидчилик тарихига оид хориждаги манбаларни рақамлаштириш тадқиқотчилар учун улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради ва қиёсий тадқиқотларни осонлаштиради.
- Платформанинг ёшлар диққатини ўзига жалб этадиган энг муҳим жиҳати, Платформа фойдаланувчиларнинг саволларига жадидларнинг сунъий интеллектда ёритилган образи-боти уларнинг ўз асарларидан келиб чиққан ҳолда жавоб беради.
- Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси олинади. Ишланма асосида кейинги босқичларда уни такомиллаштириш ва тижоратлаштириш имкониятлари яратилади.

4.3. Тадқиқот муаммосининг ўрганилганлик даражаси, жаҳон илм-фанидаги илмий-тадқиқот йўналишлари бўйича эришилган ютуқлар ва рақобатчилар таҳлили (500 та сўздан ошмаслиги лозим):

Жаҳон миқёсида жадидчилик ҳаракати таҳлилий ўрганувчи илмий тадқиқотлар камчилиги ташкил қилиб, уларнинг асосий катта қисми бир неча давлат билан чекланган. Жаҳонда жадидчилик фаолияти масалалари энг кўп ўрганилган мамлакатлар Туркия, Германия, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Эрон, АҚШ ва бошқалар. Жадидчилик тадқиқотлари бўйича PhD даражасини берувчи нуфузли олий ўқув юртлири ҳам ана шу мамлакатларда жойлашган ҳамда халқаро миқёсда тадқиқотчилар

учун яратилган адабиётларнинг (монография, дарелик, ўқув қўлланма ва бошқалар) салмоқли қисми ҳам уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Жадидчилик тушунчаси крим-татар миллатига мансуб зиёли қатлам вакили Исмоил Гаспирали номи билан боғлиқ. Исмоил Гаспирали номи ислом Шарқи халқларининг маърифатпарварлик ҳаракати — жадидчиликка (таълимнинг янги, дунёвийроқ усули) асос солиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у кўплаб мусулмон мамлакатларида бошлангич таълимга кўпроқ дунёвий хусусият берди. Одатий таълимнинг моҳияти ва тузилишини тубдан ўзгартирди.

"Жадид" атмаси "усул жадид" ("янги усул") сўз бирикмаси таркибида сўздан келиб чиққан бўлиб, 1898 йилда татар мадрасаларида ўқув дастурлари янгиланиши муносабати билан пайдо бўлган. Янги усулнинг жорий этилиши ёш ўқитувчилар – муаллимлар ташаббуси билан амалга оширилди.

Асли покистонлик, АҚШнинг Карлтон коллежи профессори, Марказий Осиё тарихи ва маданияти соҳасида таниқли олим Адиб Ҳолид жадидчиликка онд мақолалар, монографиялар муаллифи ҳисобланади.

Ўзбекистонда жадидчилик ҳаракати нисбатан кўпроқ ўрганилган бўлиб, ф.ф.д.проф. Беғали Қосимов, ф.ф.д.проф. Баҳодир Каримов, ф.ф.д.проф. Ҳамидулла Болтабоев, ф.ф.д.проф. Зайнобидин Абдурашидов, PhD Баҳром Ирзаев каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларни шу соҳаларда амалга оширилган ишларга мисол килиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти жамоаси томонидан икки йил давомида Jadidlar.uz платформаси яратилди. Хорижда килинган тадқиқотларни ўрганиш мазкур платформанинг мақсади ва вазифаларидан ҳисобланмайди.

4.4. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, қўйилган вазифа(лар)ни ҳал этиш ва режалаштирилган натижаларни олиш имкониятлари (1500 та сўздан ошмаслиги лозим):

"Жадидчиликнинг глобал контекстда ўрганилиши" лойиҳаси учун белгилаб олинган АҚШ, Европа (Германия), Туркия, Эрон, Япония давлатларида жадидчилик ҳаракати, жадидлар мероси ва унга бағишланган илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар, таҳлилий материаллар тўпланади. Шундан келиб чиқиб лойиҳа уч йўналишда амалга оширилади. Бунда биринчи йўналиш – юқорида санаб ўтилган давлатларга хорижий сафарларда кутубхоналар ва архивларда ишланади ва каталог тузилади. Хусусан, турли шаҳарлардаги жадидчилик билан боғлиқ ташкилот ва муассасалар рўйхати тузилиб, комплекс маълумотлар базаси шакллантирилади. Жадидларнинг ижтимоий, миёсий ва маданий ҳаётдаги тутган ўрни хорижлик тадқиқотчилар назаридан ўрганилиб, Янги Ўзбекистон маданий, сиёсий-иқтисодий ҳаётининг ҳозирги куни ва келажаги учун кутилаётган истикболли натижалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Иккинчи йўналиш – визуал материалларнинг аҳамиятига урғу берилиб, телевидение, газета ва журналлар, интернет саҳифаларида жадидларнинг фаолиятига онд масалаларнинг акс этиши диққат марказга олинади. Учунчи йўналиш – маълумотлар базаси ва тавсиялар асосида янги платформа ишлаб чиқилади. Платформада шунингдек, сунъий интеллектда ишлайдиган, жадид сиймосида, жадидлар асарларидан келиб чиқиб берилган саволларга жавоб беради (notes сунъий интеллектти ёрдамида савол жавоб қисми яратилади, сиймо, desighner va midjourney ёрдамида яратилади).

Платформани яратишда ахборот технологиялари соҳасининг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиб, унда масаланинг ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам визуал тарафлари акс этиши, шунингдек кенг фойдаланувчилар доирасига етиб бориши учун қўшимча функцияларга (овозли эшитиш имкониятлари) эга бўлиши ҳисобга олинади.

4.5. Муаммонинг илмий ечимини таъминлаш бўйича таклиф этилаётган усул ва илмий ёндашувлар (бунда таклиф этилаётган усул, методология ва ёндашувлар мантиқий кетма-кетликда баён этилиши, лойиҳанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда

схемалар билан асосланиши, тадқиқотни тажриба (агар режалаштирилган бўлса) ўтказиш дизайни, тажриба гуруҳлари тўғрисида маълумот келтирилиши, яъни “назорат” ва тажриба гуруҳлари асослаб берилиши ва статистик қайта ишлаш усуллари ёритилиши, тадқиқот ўтказиш учун усул ва материаллар олиб бориладиган тажриба намуналари билан боғлиқлиги ҳисоб-китоблар билан кўрсатилиши лозим, 1500 та сўздан ошмаслиги лозим):

Тадқиқот давомида тарихий-сиёсий таҳлил, таснифлаш, илмий тавсифлаш, тизимлаштириш, тарихий дискурс, таққослаш ва бошқа замонавий илмий ўрганиш усуллари билан фойдаланилади.

Тадқиқот натижасида “Жадидлар ҳаракати глобал контекстда” платформаси яратилади.

2024 йилнинг учинчи чорагида (лойиҳа бошланганидан эътиборан) Туркия, Япония, Эрон Ислом Республикаси, АҚШ ва Европада мавжуд маълумотларни жамлаш, саралаш ва рақамлаштириш ишлари амалга оширилади:

- Шарқ давлатларида Жадидлар даврини яхшироқ тушунишда муҳим манбалар – визуал ресурслар, шунингдек, адабиётлар ва нашрлар жамланади. Тизимлаштирилади, ўзига хос хусусиятлари ўрганилади ва хулосалар берилади

2025 йилнинг биринчи ва иккинчи чорагида жамланган манбаларни тавсифлаш ишлари режалаштирилган:

